

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

МУРТАЗОЕВ АЗИЗБЕК НУСРАТ ЎҒЛИ

**ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИДА БЎЙЛАМА ПОЛ ҲОСИЛ ҚИЛАДИГАН
ҚУРИЛМАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Муртазов Азизбек Нусрат ўғли

Вўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилмани
такомиллаштириш ва параметрларини асослаш. 3

Муртазов Азизбек Нусрат угли

Совершенствование и обоснование параметров устройства для
образования продольных палов в междурядьях хлопчатника. 21

Murtazoev Azizbek Nusrat oglu

Improvement and justification of the device parameters for the formation of
longitudinal bollards in the rows of cotton 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works. 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

МУРТАЗОЕВ АЗИЗБЕК НУСРАТ ЎҒЛИ

**ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИДА БЎЙЛАМА ПОЛ ҲОСИЛ ҚИЛАДИГАН
ҚУРИЛМАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1469 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш институтининг Бухоро филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nmpi_into@edu.uz) ва «ZiyoNet» таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўхтақўзиев Абдусалим
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Имомкулов Қутбиддин Боқижонович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандисик-қурилиш институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.90.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 4 ноябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160103, Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандисик-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160103, Наманган, Ислон Каримов кўчаси, 12-уй. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил 19 октябр куни тарқатилди.
(2020 йил 9 сентябрдаги № 10 рақамли реестр баённомаси).

Н.Ғ.Байбобоев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., доцент

В.М.Турдалиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.Х.Умурзақов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларини бир меъёрда суғориш ва сув тежамкорлигига эришиш учун ресурстежамкор технологиялар асосида технологик жараёни амалга оширадиган пол ҳосил қилиш қурилмаларининг илмий-техникавий асосларини яратиш ва ишлаб чиқишга бағишланган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан ғўза қаторлари орасида ғўза ниҳолларини шикастламаган ҳолда вегетация даврида қатор ораларида сифатли пол ҳосил қилинишини таъминлайдиган, технологик жараёни ишончли бажарадиган қурилмаларни яратиш муҳимдир.

Жаҳонда аграр соҳаси ривожланган барча мамлакатларда инновацион, юқори иш самарадорлигига эга энергия ва ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги қуруллари ва техникаларини яратиш салмоғи кундан кунга ортиб бормоқда. «Дунё миқёсида бугунги кунда 900 млн. гектар майдонда турли қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилиб, шу жумладан 32-34 млн. гектар майдонда ғўза ўстирилишини»¹ инobatга олсак, ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш учун агротехник талабларга мос, юқори иш унумига эга бўлган энергия-ресурстежамкор қурилмаларни ишлаб чиқиш эвазига меҳнат сарфини сезиларли даражада камайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат сарфи ва энергия-материал ҳажмдорликни камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида парваришlash ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда уларнинг иш органларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан кенг фойдаланиш»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан ғўза майдонларини суғоришга тайёрлашда бўйлама пол ҳосил қилиш технологик жараёнини механизациялаштириш ҳисобига иш унумини ошириш ва меҳнат сарфи ва маҳсулотнинг таннархини пасайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»² ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил

¹ <http://www.nrcs.usda.gov>, <https://icac.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

15 сентябрдаги ПҚ-3281-сон «2018 йилда қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида», 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сон “Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида пол ҳосил қиладиган қурилмаларнинг кўплаб турлари яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган. Жумладан Америка кўшма штатларидаги “AgriExpo”, “VIKING”, Хитойнинг “Alibaba corporation” корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пол ҳосил қилиш қурилмаларидан кенг фойдаланилади. Ҳиндистоннинг «EVEREST», «AgriBiz corporation», «Ramakumar industries», «Indiomart», Покистоннинг «Lahoreagro», «Kabulshah» каби корхоналарида ағдаргич сиртли, катокли ва дискли пол ҳосил қилиш қурилмалари ишлаб чиқарилмоқда ва уларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мазкур масала, яъни пол ҳосил қилиш техника ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича Россия Федерациясида Л.В.Тарасов, Ф.М.Мустақимов, В.М.Ким, Г.М.Самсонов, М.П.Ким, В.Н.Бердиянский, А.И.Воронин, Г.Г.Казаков, А.И.Шабает, В.Ф.Стрельбицкий, В.А.Папафилов, Н.Т.Семеновлар, Украинада В.П.Лисютин кабилар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамызда пол ҳосил қиладиган қурилмаларнинг ишчи қисмларини яратиш, уларнинг иш кўрсаткичлари ва параметрларини ўрганиш ҳамда иш органларини такомиллаштириш бўйича А.Э.Тешабоев, О.С.Осипов, М.А.Ахмеджанов, А.В.Сергиенко, А.Г.Мюляр, Н.Ф.Опонасенко, Р.Б.Толипов ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган. Бу тадқиқотлар натижалари асосида яратилган пол ҳосил қилиш қурилмалари ва уларнинг иш органлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маълум даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо, ушбу пол ҳосил қилиш қурилмалари асосан экиндан бўшаган далаларда қўллаш учун мўлжалланган ва улардан ғўза вегетацияси даврида қатор ораларида пол ҳосил қилиш мақсадида фойдаланиб бўлмади. Демак бугунги кунгача ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг технологик иш жараёни ва иш органларининг параметрларини асослаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2014-5-1 «Вўза қаторлари орасида суғориш учун сув ва энергия-тежамкорликни таъминловчи бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмасини жорий этиш» инновацион (2014-2015) ва ЁҚХ-Атех-2018-188 «Вўза қаторлари орасида бўйлама пол олиш қурилмасини ва технологик иш жараёнини такомиллаштириш» (2018-2019) ёш олимлар давлат илмий – техника лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг технологик иш жараёнини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш орқали пол ҳосил қилишда иш унумини ошириш ва меҳнат сарфини камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш технологик жараёнини таҳлил этиш, такомиллаштириш ва асослаш;

ўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг ағдаргич сиртли иш органи параметрларини асослаш бўйича назарий ва тажриба тадқиқотларини ўтказиш;

ағдаргич сиртли иш органининг параметрларини асослаш имконини берадиган аналитик боғланишлар олиш;

тажриба тадқиқотлари асосида ағдаргич сиртли иш органи параметрларининг мақбул қийматларини аниқловчи регрессия тенгламаларини тузиш;

мақбул параметрларга эга бўлган пол ҳосил қиладиган қурилмани ишлаб чиқиш ва дала синовларини ўтказиш, агротехник, энергетик ва иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзақаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг ағдаргич сиртли иш органи ҳамда у амалга оширадиган технологик жараён олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилма ағдаргич сиртли иш органининг асосий параметрларини ифодаловчи аналитик боғланишлар, иш органининг агротехник ва энергетик кўрсаткичларини унинг параметрларива ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, деҳқончилик механикаси, математик статистиканинг қонун ва қоидалари, тажрибаларни математик режалаштириш ва тензометрия усуллари ҳамда мавжуд меъерий ҳужжатларда (ГОСТ 20915-15, ГОСТ 23728-88, О'zRH 63.07:2001, TSt 63.03.2001, РД Уз 63.03-98) белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилган;

ўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилма ағдаргич сиртли иш органининг параметрлари ўза ниҳолларининг танаси ва илдиз тизимига шикаст етказмаслиги, энергия сарфи ҳамда иш органининг

тортишга қаршилиги минимал бўлишини ҳисобга олган ҳолда асосланган ва уларнинг ўзгариш чегаралари аниқланган;

ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилма иш органи (ағдаргичли иш органи лемехининг эгат девори ва тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари) параметрларининг мақбул қийматлари унинг агротехник ва энергетик иш (бўйлама полнинг баландлиги, ғўза ниҳолларининг шикастланиши ва тортишга қаршилиги) кўрсаткичларига таъсирини баҳоловчи регрессия тенгламалари олинган;

қурилманинг кўрсаткичлари унинг ҳаракат тезлигига боғлиқ равишда ўзгариш қонунияти аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган энергия-материал ҳажмдорлиги кам ҳамда иш сифати ва унуми юқори такомиллаштирилган қурилма ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган ва асосланган мақбул параметрларга эга бўлган ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилмани қўллаш эвазига меҳнат сарфини 78,75 % га камайиши ва иш унумини 68-70 марта ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Изланишларнинг замонавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий тадқиқотларни назарий ва деҳқончилик механикаси ҳамда олий математика қоидалари асосида бажарилгани, назарий ва тажриба тадқиқотларининг ўзаро адекватлиги, такомиллаштирилган бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг дала синовларини ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Таклиф этилган математик моделлар ва аналитик боғланишлар ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг такомиллаштирилган конструкциясини ишлаб чиқиш ва иш органларининг параметрларини аниқлашга асос бўлгани ҳамда уларни бошқа шунга ўхшаш иш органлари параметрларини асослашда фойдаланиш имкони мавжудлиги тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини белгилайди.

Ағдаргич сиртли иш органи билан жиҳозланган бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилмани қўллаш ғўза қатор ораларида пол ҳосил қилишда қўл кучига нисбатан меҳнат сарфини 78,75 фоизга камайтиради ва иш унумини 68-70 мартага оширади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилмани такомиллаштириш ва параметрларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда олинган илмий натижалар асосида:

ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилувчи ва зичловчи қурилманинг техник ечимига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патент олинган («Ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилувчи ва зичловчи қурилма», FAP 01436 - 2019 й.). Натижада, ғўза қатор ораларида пол ҳосил қилишда иш сифати ва унумини

ошириш ҳамда энергия-материалҳажмдорликни камайтириш имкониятига эга бўлган ағдаргич иш органли такомиллаштирилган қурилманинг конструкциясини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмасини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари ва ҳисоблаш усуллари “ВМКВ-Agromash” АЖга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 29-июндаги 02/023-1917-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза қатор ораларида пол ҳосил қиладиган такомиллаштирилган қурилманинг саноат нусхаларини ишлаб чиқариш имкони яратилган;

ишлаб чиқилган пол ҳосил қилиш қурилмаси Бухоро вилояти Жондор, Вобкент ва Бухоро тумунларидаги «ХО’ЖАЙЕВ SHARIF CHORVADOR», «UMEDOV SAVRIDIN», «NILUFAR NAFISA NIGORA» фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 29-июндаги 02/023-1917-сон маълумотномаси). Натижада, ғўза қаторлари орасида пол ҳосил қилиш меҳнат сарфи 70 мартага ҳамда эксплуатацион харажатларни 14,6 фоизга камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 1 та фойдали моделга патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот мақсади**» деб номланган биринчи бобида ғўза қаторлари орасида ҳосил қилинадиган бўйлама ва кўндаланг полларга қўйиладиган агротехник талаблар келтирилган, пол ҳосил қиладиган техник воситалар ва уларни

такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар, ағдаргич сиртли иш органларининг агротехник ва энергетик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, ғўза қаторлари орасида пол ҳосил қилиш технологик жараёнининг механизациялашганлик даражаси таҳлил этилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Пахтачилик ҳудудларидаги суғориладиган ерлар табиий-иқлим шароити ва тупроқнинг таркиби ҳамда унга ишлов бериш технологияси, машина турлари ва уларга қўйиладиган агротехник талабларига кўра 3 та минтақага бўлинган. Учинчи минтақага кирадиган кўпгина вилоятларда (Хоразм, Бухоро, Навоий ва Қорақалпоғистон Республикаси) пахта етиштириш даврида биринчи суғоришдан олдин пахтани бостириб суғориш учун даланинг нишаблиги ва нотекислигидан келиб чиққан ҳолда қатор ораларида бўйлама ва кўндаланг поллар ҳосил қилинади. Чунки ушбу ҳудудларда экинларни бўғзигача бостириб суғориш усулини қўллаш орқалигина улардан кўзланган ҳосилни олишга эришиш мумкин. Акс ҳолда шўрнинг юзага кўтарилиши натижасида ўсимликларнинг ривожланиши ёмонлашади ва ҳаттоки уларнинг қуриб қолиши кузатилади. Даланинг нишаблиги ва нисбий нотекисликларнинг мавжудлиги сабабли далада бўйлама ва кўндаланг полларни олмай туриб ғўзани бостириб суғоришнинг имкони йўқ.

Бугунги кунда бўйлама ва кўндаланг полларни ҳосил қилиш агротехник тадбири тўлиғича қўл меҳнатига асосланган. Бу жуда катта меҳнат сарфини талаб этади ва пахта етиштириш таннархини ошишига сабаб бўлмоқда.

Ҳудудларнинг Қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказлари томонидан ишлаб чиқилган “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва махсулот етиштириш бўйича” ишчи технологик хариталарга учинчи минтақа шароитида қатор оралиғи 60 см кенликда экилган пахтани етиштиришда биринчи суғоришдан олдин ҳар бир гектар майдонда ўрта ҳисобда 400 метр узунликдаги бўйлама ва кўндаланг полларни қўлда олиш киритилган. Ушбу технологик жараённинг асосий қисмини (60-75 %) бўйлама полларни ҳосил қилиш ташкил этишлиги ва ушбу технологик жараённи механизациялаштириш имкониятининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда қўл меҳнатини камайтириш ва бу орқали махсулот таннархини арзонлашишига эришиш мумкин. Бўйлама поллар даланинг нотекислигига боғлиқ ҳолда 10 метрдан 50 метргача ораликда даланинг бутун узунлиги бўйича ҳосил қилинади.

Демак, ғўза қатор ораларида бўйлама поллар ҳосил қилиш жараёнини илмий асосланган пол ҳосил қилиш қурилмаси билан амалга ошириш бугунги кундаги долзарб ва муҳим масала ҳисобланади.


Биринчи суғоришдан олдин ҳосил қилинган бўйлама пол вегетация даврининг охирига қадар, яъни кейинги суғориш жараёнларида ҳам қўлланилади. Шу сабабли улар сифатли, мустаҳкам бўлиши ҳамда ўз шаклини ўзгартирмаслиги лозим. Шундан келиб чиқиб, пол ҳосил қилиш технологик жараёнини механизациялаштириш, полларнинг талаб даражасида сифатли олиншини таъминлаш лозим. Бунга ағдаргич сиртли иш органини қўллаш орқали эришиш мумкин.

Диссертациянинг «Назарий тадқиқотлар» деб номланган иккинчи бобида ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва қурилма иш органининг параметрларини асослашга доир назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва олиб борилган изланишлар асосида пол ҳосил қилишнинг технологик жараёни ишлаб чиқилди (1-расм).

Унга биноан пол ҳосил қилинадиган эгатнинг иккала ён томонидаги эгатлар А дан тупроқ кўтарилиб, ўрта эгат Б га уюмланади.


Ишлаб чиқилган ағдаргичли иш органига эга бўлган бўйлама пол ҳосил



1-расм. Ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилишнинг технологик жараёни

қиладиган қурилма бу технологик жараённи икки ўтишда бажаради (2-расм).

Қурилма тақиш мосламаси 1 билан жиҳозланган рама 2 ва унга ўрнатилган ағдаргичли иш органи 3 ҳамда ғўза ниҳолларини ундан отилаётган тупроқ уюми билан кўмилишдан сақловчи ғилоф 4 ва марказий



2-расм. Ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг конструктив схемаси

қаторда жойлашган ғўза ниҳолларига шикаст етказмасликни таъминлайдиган ҳимояловчи тўсқич 5 дан иборат.

Қурилманинг иш жараёнида ён эгатдаги тупроқ ағдаргичли иш органи 3 бўйлаб юқорига кўтарилади ва ғилоф 4 устидан оширилиб, пол ҳосил қилиниши лозим бўлган эгатга ағдарилади.

Ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг агротехник ва энергетик иш кўрсаткичларига таъсир этадиган параметрлари қуйидагилардан иборат:

h_n – ағдаргичли иш органи лемехининг тупроққа ботиш чуқурлиги;

B_n – ағдаргичли иш органи лемехи пастки қисмининг қамраш кенглиги;

γ – ағдаргичли иш органи лемехининг эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги;

α_n – ағдаргичли иш органи лемехининг эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаги;

h_d – ағдаргичли иш органи дала тахтасининг баландлиги;

l_d – ағдаргичли иш органи дала тахтасининг узунлиги;

h_e – ғўза ниҳолларини ағдаргич сиртдан отилаётган тупроқ билан кўмилишидан сақловчи ғилоф баландлиги;

R_e – ғўза ниҳолларини ағдаргич сиртдан отилаётган тупроқ билан кўмилишидан сақловчи ғилоф радиуси;

E – ағдаргичли иш органи дала қирқимидан ғўза ниҳолларини ҳимояловчи тўсқичгача бўлган масофа.


Ағдаргичли иш органи лемехининг тупроққа ботиш чуқурлиги ва пастки қисмининг қамраш кенглиги B_n ни иш органи иш жараёнида қўшни эгатда максимал баландликка эга бўлган пол ҳосил қилиши ва бунда ғўза кўчатлари ва уларнинг илдизларига зарар етказилмаслиги шартларидан аниқланди ва қуйидаги ифодалар олинди (3-расм)

$$B_n \leq \left\{ (B_m - 2\Delta)^2 - \left\{ 0,5B_m \left(\frac{B_m}{2} \operatorname{tg} \varphi_m + h_3 \right) + h_3 \left[\frac{B_m}{\pi} \sin \frac{2\pi\Delta}{B_m} + (B_m - 2\Delta) \right] \right\} \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon} \right\}^{\frac{1}{2}} \quad (1)$$

ва

$$h_n = \left\{ B_m - 2\Delta - \left\{ (B_m - 2\Delta)^2 - \left\{ 0,5B_m \left(\frac{B_m}{2} \operatorname{tg} \varphi_m + h_3 \right) + h_3 \left[\frac{B_m}{\pi} \sin \frac{2\pi\Delta}{B_m} + (B_m - 2\Delta) \right] \right\} \operatorname{ctg} \psi_{\varepsilon} \right\}^{\frac{1}{2}} \operatorname{tg} \psi_{\varepsilon} - \frac{h_3}{2} \left(1 + \cos \frac{2\pi\Delta}{B_m} \right) \right\}, \quad (2)$$

бунда B_m – ғўза қаторлари орасининг кенглиги, м; Δ – ғўза қаторлари ҳимоя зонасининг кенглиги, м; φ_m – тупроқнинг табиий тўкилиш бурчаги, градус; ψ_{ε} – тупроқнинг ёнбош синиш бурчаги, градус; h_3 – эгатнинг чуқурлиги, м.



3-расм. Афдаргичли иш органи лемехининг тупроққа ботиш чуқурлиги ва пастки қисмининг камраш кенлигини аниқлашга доир схема

$B_m = 0,6$ м, $\Delta = 0,1$ м, $\varphi_m = 35-40^\circ$, $h_n = 0,1$ м, $\psi_e = 60^\circ$ қабул қилиниб (1) ва (2) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар иш органи лемехи пастки қисмининг кенлиги кўпи билан 26,1 см ва унинг тупроққа ботиш чуқурлиги камида 14,8 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Афдаргичли иш органи лемехининг эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги γ ни ҳам у томонидан ғўза ниҳоллари ва уларнинг илдизларига зарар етказмаслик шартидан аниқлаймиз. Бунинг учун лемех томонидан ғўза қатор оралари эгатидан ковлаб олинаётган тупроқ иш органи бўйлаб ғўза кўчатлари баландликларидан катта баландликка кўтарилмагунча ён томонга сурилмаслиги лозим. Бунинг учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$\gamma > 90^\circ - \varphi_1, \quad (3)$$

бунда φ_1 – тупроқни лемехнинг ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги, градус.

(3) шарт таъминланганда иш органининг лемехи ғўза қаторлари орасидаги эгат тупроғини ён томонга сурмасдан ковлаб олади, яъни у икки ёнли пона каби ишлайди. Натижада ғўза ниҳоллари ва уларнинг илдизларига зарар етказилмайди.

Демак, афдаргичли иш органининг лемехи ғўза қатор оралари эгати ичидаги тупроқни ён томонга сурмасдан кўтариб олиши ва ғўза ниҳоллари ҳамда уларнинг илдизларига зарар етказмаслиги учун унинг эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги $90^\circ - \varphi_1$ дан катта бўлиши лозим.

(3) ифодага φ_1 нинг адабиётлардан маълум бўлган қийматларини қўйиб, иш органи лемехининг эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 55° дан кам бўлмаслиги лозимлигини аниқлаймиз.

Ағдаргичли иш органи лемехининг эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчагини у томонидан ковлаб олинаётган тупроқ сифатли уваланиши ва тортишга қаршилиқ минимал қийматга эга бўлиши шартидан келтириб чиқарилган қуйидаги ифода бўйича аниқланди

$$\alpha_n = \arcsin \left\{ \left[-\sin(\varphi_1 + \varphi_2) + \sqrt{\sin^2(\varphi_1 + \varphi_2) + \left[2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] [1 + \cos(\varphi_1 + \varphi_2)]} \right] : \left[2 + \frac{1}{2} \cos(\varphi_1 + \varphi_2) \right] \right\}, \quad (4)$$

бунда φ_2 —тупроқнинг ички ишқаланиш бурчаги, яъни тупроқни тупроққа ишқаланиш бурчаги, градус.

Ғўза қаторлари ораларига ишлов бериш ва пол ҳосил қилиш даври учун $\varphi_1=28-35^\circ$ ва $\varphi_2=38-40^\circ$ қабул қилиб, (4) ифода бўйича иш органи лемехининг эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаги $26-28^\circ$ оралиғида бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Ағдаргичли иш органининг дала тахтаси қурилманинг горизонтал текисликдаги таянчи ҳисобланади ва унинг ёнбошга оғмасдан ишлашини ҳамда тракторнинг тўғри чизикли ҳаракатини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Баландлиги h_o ва узунлиги l_o унинг асосий параметрлари ҳисобланади.


Ўтказилган тадқиқотлар асосида қурилма дала тахтасининг баландлигини ағдаргичли иш органи лемехининг тупроққа ботиш (ишлов бериш) чуқурлигининг учдан икки қисмига тенг этиб қабул қиламиз, яъни

$$h_o = \frac{2}{3} h_n. \quad (5)$$

Дала тахтасининг узунлиги l_o 4-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, қурилмани ёнбошга оғмасдан ишлаши таъминланиши шартидан аниқланди ва қуйидаги ифода олинди

$$l_o \geq \frac{3\eta\kappa_c B_n \sin(\beta_n - \varepsilon) \cos \varphi}{2[p] \cos(\varphi - \varepsilon) \cos \beta_n}, \quad (6)$$

бунда η —қурилманинг фойдали иш коэффиценти; κ_c —тупроқнинг шудгорлашга солиштира қаршилиги, Па; β_n — R_{xy} кучи ва ҳаракат йўналиши орасидаги бурчак, градус ($\beta_n=20^\circ$); ε —қурилманинг тортиш чизиғи PA ни ҳаракат йўналиши V дан оғиш бурчаги, градус.



4-расм. Қурилма дала тахтасининг баландлиги ва узунлигини аниқлашга доир схема

$h_l=0,15$ м, $B_l=0,26$ м, $\beta=20^\circ$, $\varphi=30^\circ$, $\kappa_c=6,5 \cdot 10^4$ Па, $\eta=0,7$, $[p]=4 \cdot 10^4$ Па қабул қилиниб, (5) ва (6) ифодалар бўйича ўтказилган ҳисоблар қурилма дала тахтасининг баландлиги 10 см, унинг узунлиги эса камида 14 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Вўза ниҳолларини ағдаргич сиртидан отилаётган тупроқ билан кўмилишидан сақлайдиган ғилофнинг баландлиги h_2 ва эгилиш радиуси R_2 аниқлашучун қуйидаги ифодалар олинди

$$h_2 \geq H_{н\ddot{y}} + 3\sigma_6 + d_T \quad (7)$$

ва

$$R_2 \geq 0,5K_{н\ddot{y}} + 3\sigma_3 + d_e, \quad (8)$$

бунда $H_{н\ddot{y}}$, $K_{н\ddot{y}}$ —мос равишда ғўза ниҳолларининг пол ҳосил қилиш давридаги бўйи (баландлиги) ва эни, м; σ_6 , σ_3 —мос равишда ғўза ниҳоллари бўйи ва энининг ўртача квадратик четланиши, м; d_T , d_e —мос равишда ғўза қатор ораларидаги нотекисликлар туфайли қурилманинг тик ва ёнбош тебранишларининг амплитудаси, м.

$H_{н\ddot{y}}=12,4$ см, $K_{н\ddot{y}}=9,3$ см, $\sigma_{\delta}=\pm 1,4$ см, $\sigma_{\gamma}=\pm 1,1$ см ҳамда $d_T=3$ см ва $d_{\varepsilon}=2$ см қабул қилиб, (7) ва (8) ифодалар бўйича $h_{\varepsilon} \geq 19,6$ см ва $R_{\varepsilon} \geq 10$ см бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Ағдаргичли иш органининг дала қирқимидан ғўза ниҳолларини ҳимояловчи тўсқичгача бўлган масофани ҳам ғўза ниҳолларига зарар етказмаслик шартидан куйидаги ифода бўйича аниқлаймиз

$$E \leq 2(B_m - \Delta). \quad (9)$$

$B_m=60$ см ва $\Delta=10$ см қабул қилиб (9) ифода бўйича ағдаргичли иш органининг дала қирқимидан ғўза ниҳолларини ҳимояловчи қобикқача бўлган масофа кўпи билан 100 см бўлиши мумкинлигини аниқлаймиз ва якуний натижа сифатида $E=90$ см қабул қиламиз.

Ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилигини аниқлаш учун куйидаги ифода олинди


$$R = \left\{ T t_n \frac{B_n}{\sin \gamma} + \left\{ [(B_m - 2\Delta)^2 - B_n^2] \operatorname{tg} \psi_{\varepsilon} - h_{\varepsilon} \left[\frac{B_m}{\pi} \sin \frac{2\pi\Delta}{B_m} + (B_m - 2\Delta) \right] \right\} \times \right. \\ \times \left. \left\{ \frac{\tau_c}{2 \cos \frac{1}{2}(\alpha_n + \varphi_1 + \varphi_2)} \left[\sin \frac{1}{2}(\alpha_n + \varphi_1 + \varphi_2) + f \cos \frac{1}{2}(\alpha_n - \varphi_1 - \varphi_2) \cos \alpha_n \right] + \right. \right. \\ \left. \left. + \rho \left[\frac{g c \cos^2 \alpha_n \sin(\alpha + \varphi_1)}{2 \sin \gamma \cos \varphi_1} + V^2 \frac{\sin \alpha_n \sin \gamma \sin(\alpha_n + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} \right] \right\} + \right. \\ \left. + f \rho g l_o \frac{\sin(\beta_n - \varepsilon) \sin \varphi}{\cos(\varphi - \varepsilon) \cos \beta_n} \right\} \left[1 + \frac{\sin(\beta_n - \varepsilon) \sin \varphi}{\cos(\varphi - \varepsilon) \cos \beta_n} \right], \quad (10)$$

бунда T -тупроқнинг қаттиқлиги, Па; t_n -лемех тиғининг қалинлиги, м; c -лемех ишчи сиртининг узунлиги, м; ρ -тупроқнинг зичлиги, кг/м³; ε -ғўза қатор ораси эгати ёнбағрининг горизонтга нисбатан жойлашиш бурчаги, градус; g -эркин тушиш тезланиши, м/с²; V -ҳаракат тезлиги, м/с; f -тупроқни лемехнинг ишчи сиртига ишқаланиш коэффициентини; l_o -иш органи ағдаргичининг узунлиги, м; τ_c -тупроқнинг силжишга солиштирма қаршилиги, Па.

Бу ифодадан кўриниб турибдики, ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилиги унинг параметрлари ($B_n, c, \gamma, t_n, \alpha_n, \beta_n, l_o$), ғўза қаторлари ораси ва ҳимоя зонасининг кенгликлари (B_m, Δ), тупроқнинг физик-механик хоссалари ($T, \psi_{\varepsilon}, \varphi_1, \varphi_2, \rho, f$) ҳамда ғўза қаторлари орасидаги эгатнинг чуқурлиги ва ҳаракат тезлигига боғлиқ. 5-расмда (10) ифода орқали ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилигини ҳаракат тезлигига боғлиқлик графиги қурилган.

Ундан кўриниб турибдики, ҳаракат тезлиги ошиши билан ағдаргичли иш

органининг тортишга бўлган қаршилиги парабола қонунияти бўйича ўзгариб боради.



5-рассм. Ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилиги (R) ни ҳаракат тезлиги (V) га боғлиқлик графиги

$B_d=0,26$ м, $c=0,20$ м, $\gamma=55^\circ$, $\alpha_d=30^\circ$, $\beta_d=20^\circ$, $t_T=0,001$ м, $l_o=0,8$ м, $T=1,2 \cdot 10^6$ Па, $\tau_c=2 \cdot 10^4$ Па, $\psi_e=60^\circ$, $\varphi_1=30^\circ$, $\varphi_2=40^\circ$, $\rho=1300$ кг/м³, $f=\text{tg}30^\circ=0,57$, $B_m=0,6$ м, $\Delta=0,1$ м, $h_3=0,1$ м, $\pi=3,14$, $g=9,81$ м/с² қабул қилиниб (10) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар, 6-8 км/соат ҳаракат тезликларида қурилма ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилиги 4,84-4,86 кН ни ташкил этишини кўрсатди.

Диссертациянинг «Тажриба тадқиқотларини ўтказиш усули ва натижалари» деб номланган учинчи бобида тажрибавий тадқиқотлар дастури ва уларни ўтказиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у асосида пол ҳосил қиладиган қурилманинг тортишга қаршилиги, полнинг ҳосил бўлиш баландлиги ва ағдаргичли иш органи параметрларининг унинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларига таъсири тадқиқ этилган.

Тажрибавий тадқиқотларни ўтказиш учун турли типдаги ағдаргичлар ва эгат деворига ўрнатилиш бурчаги турлича бўлган лемехлар тайёрланди.

Таққослов синовларининг натижалари асосида маданий турдаги ағдаргич тупроқ палахсасини нисбатан юқори баландликка кўтариш имконияти мавжудлигини инобатга олиб кейинги тадқиқотлар учун маданий турдаги ағдаргичли иш органи қабул қилинди.

Турли ҳаракат тезликларида пол ҳосил қиладиган қурилманинг ағдаргичли иш органи лемехининг эгат девори ва тубига нисбатан ўрнатилиш бурчакларини унинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган бир ва кўп омилли тадқиқотларнинг натижалари ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қилиш технологик жараёнини сифатли амалга ошириш учун ағдаргичли иш органининг

баландлиги 74 см га тенг бўлишини кўрсатди.

Ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар белгиланган иш тезлигида сифатли пол ҳосил қилиш учун ағдаргичли иш органи лемехининг эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 50° - 55° оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Ўтказилган назарий ва бир омилли тажриба тадқиқотлари асосида пол ҳосил қилиш жараёнига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди ва улар асосида кўп омилли тажрибалар ўтказилди.

Кўп омилли тажрибалар Хартли-3 режаси бўйича ўтказилди. Бунда асосий омиллар сифатида қурилма ағдаргичли иш органи лемехининг эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаги (X_1), ағдаргичли иш органи лемехининг эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги (X_2) ҳамда агрегатнинг ҳаракат тезлиги (X_3) қабул қилиб олинди.

Тадқиқотларда баҳолаш меъзони сифатида қурилманинг тортишга қаршилиги, бўйлама полнинг баландлиги ва ниҳолларнинг шикастланиш даражаси қабул қилинди.

Тажриба натижаларига ўрнатиш тартибда ишлов берилиб, баҳолаш меzonларини адекват тавсифловчи куйидаги регрессия тенгламалар олинди:

ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилиги бўйича (кН)

$$Y_1 = 5,483 - 0,083X_1 - 0,069X_2 + 0,069X_3 + 0,355X_1^2 - 0,062X_1X_2 + 0,470X_1X_3 + 0,517X_2^2 - 0,088X_2X_3 + 0,204X_3^2; \quad (11)$$

бўйлама полнинг баландлиги бўйича (см)

$$Y_2 = 24,684 + 1,167X_1 + 0,909X_2 + 0,988X_3 - 0,954X_1^2 + 0,662X_1X_2 + 0,471X_2X_3 + 0,679X_3^2; \quad (12)$$

ғўза ниҳолларининг шикастланиш даражаси бўйича (%)

$$Y_3 = 1,194 - 0,122X_1 - 0,197X_2 - 0,177X_3 + 0,053X_1X_2 + 0,085X_1X_3 - 0,170X_2^2 + 0,028X_2X_3 + 0,225X_3^2. \quad (13)$$

Регрессия тенгламаларини мослиги тўғрисидаги гипотезани текшириш Фишер критерияси ёрдамида амалга оширилди. Фишер критериясининг ҳисобий ва жадвалдан олинган қийматлари ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилиги учун мос равишда 0,4187 ва 2,074 ни, полнинг ҳосил бўлиш баландлиги ва ғўза ниҳолларининг шикастланиш даражаси учун мос равишда 0,285 ва 2,048 ни ташкил этди.

(11)-(13) регрессия тенгламалари биргаликда ечилиб пол ҳосил қилиш қурилмаси 6-8 км/соат ҳаракат тезлигида талаб даражасидаги баландликка эга бўлган полини кам энергия сарфланган ҳамда ниҳолларни кам шикастлаган ҳолда таъминлаши учун ағдаргичли иш органи лемехининг эгат туби ва эгат деворига нисбатан ўрнатилиш бурчаги мос равишда $27-28^{\circ}$ ва $52-56^{\circ}$ оралиғида бўлиши лозимлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Ѓўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилманинг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида тажрибавий пол ҳосил қиладиган қурилманинг қисқача техник тавсифи, дала синовлари натижалари ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Синовларда ишлаб чиқилган ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилма белгиланган технологик жараёни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келди.

Ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган ишлаб чиқилган қурилма қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган меҳнат сарфи қўл кучига нисбатан 78,75 фоизга камайдди. Бунда битта қурилмадан олинадиган иқтисодий самара 10265063 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Ѓўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилмани такомиллаштириш ва параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўтказилган адабиётлар таҳлили ҳамда хўжалик синовлари шуни кўрсатадики, мавжуд пол ҳосил қилиш техник воситалари асосан экиндан бўшаган майдонларда қўллаш учун ишлаб чиқилган ва улардан ғўза қатор ораларида пол ҳосил қилишда технологик ва конструктив нуқтаи назардан фойдаланиб бўлмайди, ғўза қаторлари орасида пол ҳосил қилиш учун техник воситалар илмий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган.

2. Республикамизнинг Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида ғўзани суғориш учун пахта майдонларида бўйлама ва кўндаланг поллар қўл кучи қўлланиб ҳосил қилинади. Ѓўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қилиш технологик жараёнини ағдаргич сиртли иш органларини қўллаш орқали такомиллаштириш ва тўлиқ механизациялашга эришиш мумкин.

3. Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида ағдаргичли иш органи лемехининг тупроққа ботиш чуқурлиги, қамраш кенглиги, эгат девори ва эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, дала тахтасининг баландлиги ва узунлиги, ғўза ниҳолларини кўмилишдан сақлайдиган филофнинг баландлиги ва эгилиш радиуси, иш органининг дала қирқимидан ниҳолларни химояловчи тўсқичгача бўлган масофа ва унинг тортишга қаршилигини аниқлаш имконини берадиган аналитик ифодалар олинган, уларнинг ўзгариш чегаралари аниқланган.

4. Ишлаб чиқилган қурилма талаб даражасида баландликка эга бўлган полни кам энергия сарфлаган ва ниҳолларни кам шикастлаган ҳолда таъминлаши учун ағдаргичли иш органи лемехининг қамраш кенглиги кўпи билан 26,1 см ва унинг тупроққа ботиш чуқурлиги камида 14,8 см, эгат тубига нисбатан ўрнатилиш бурчаги 27-28° ораларида, эгат деворига

нисбатан ўрнатилиш бурчаги эса $52-56^\circ$ оралиқда бўлиши лозим.

5. Қурилманинг ёнбошга оғмасдан ишлашини таъминлаш учун дала тахтасининг баландлиги 10 см, унинг узунлиги эса камида 14 см бўлиши лозим.

6. 6-8 км/соат тезликда ишлаганда ағдаргичли иш органининг тортишга қаршилиги 4,84-4,86 кН ни ташкил этади.

7. Ниҳолларни шикастламасдан талаб даражасидаги баландликка эга бўлган пол ҳосил қилиш учун иш органининг баландлиги 74 см га тенг бўлиши лозим.

8. Ишлаб чиқилган қурилма синовларда белгиланган агротехник талабларни ишончли бажарди ва унинг иш кўрсаткичлари қўйилган талабларга тўлиқ мос келади.

9. Иқтисодий ҳисобларни кўрсатишича ғўза қаторлари орасида ишлаб чиқилган бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмаси қўлланилганда 1 гектар майдонга сарфланадиган меҳнат сарфи қўл кучига нисбатан 78,75 фоизга камаяди. Бунда битта қурилма 10265063 сўм иқтисодий самара беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.90.01.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**БУХАРСКОЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ИНСТИТУТА
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

МУРТАЗОЕВ АЗИЗБЕК НУСРАТ УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ
УСТРОЙСТВА ДЛЯ ОБРАЗОВАНИЕ ПРОДОЛЬНЫХ ПАЛОВ В
МЕЖДУРЯДЬЯХ ХЛОПЧАТНИКА**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2.PhD/Т1469.

Докторская диссертация выполнена в Бухарском филиале Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.nammqi.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Тухтакузиев Абдусалим
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Имомкулов Кутбиддин Бокижонович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Нормирзаев Абдукаюм Рахимбердиевич
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Андижанский филиал Ташкентского государственного аграрного университета

Защита диссертации состоится 4 ноября 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.90.01 при Наманганском инженерно-строительном институте (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23, факс: (+99869) 234-15-23, e-mail: nmpi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-строительного института (регистрационный номер _____). (Адрес: 160103, г. Наманган, ул. Ислама Каримова, 12. Тел.: (+99869) 234-15-23).

Автореферат диссертации разослан 19 октября 2020 года
(Протокол рассылки №10, «9 сентября» 2020 года).

Н.Г. Байбобоев

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент

В.М. Турдалиев

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент

А.Х. Умурзаков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Для достижения равномерного полива и сбережения воды при выращивании сельскохозяйственных культур, в мировом масштабе ведутся научные исследования, посвященные созданию научно-технических основ и производству устройств, осуществляющих продольного пала на основе ресурсосберегающих технологий. В этом отношении важно создать устройств, надёжно выполняющих технологических процессов, обеспечивающих создание качественного пала в междурядьях хлопчатника, в период вегетации, не повреждая молодых всходов растения.

Во всех странах, где развита аграрная отрасль, с каждым днем растет удельная вес создания инновационных, имеющих высокую производительность, энерго и ресурсосберегающих сельскохозяйственных орудий и техники. Если учесть, что «На сегодняшний день в мировом масштабе на 900 млн. гектарах площадей выращиваются сельскохозяйственные культуры, в том числе 32-34 млн. гектарах – хлопчатник», в заметной степени уменьшение трудо затрат за счет создания устройств для образования продольного пала в междурядьях хлопчатника, соответствующих агротехническим требованиям, имеющих высокую производительность, энерго и ресурсосбережения, считается из актуальных проблем.

В Республике осуществляются широкомасштабные меры по производству высокопроизводительных сельскохозяйственных машин и их рабочих органов для уменьшения трудовых затрат и энерго - материалоёмкости в сельскохозяйственном производстве, экономии ресурсов, обработки сельскохозяйственных культур на основе передовых технологий.

В стратегии Действий дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы определены задачи, в частности «... внедрение в отрасль сельскохозяйственного производства интенсивных способов, прежде всего внедрение современных агротехнологий, которые экономят воды и ресурсов, широкое использование сельскохозяйственной техники, имеющей высокую производительность». При осуществлении этих задач, в частности, при подготовке хлопковых полей к поливу повышение производительности труда, снижение трудозатрат и себестоимости продукции за счёт механизации технологического процесса образования продольных палов является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит для выпонения задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан», а также Постановлениях ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах дальнейшего развития научно-технической базы машиностроительной отрасли в сельском хозяйстве», ПП-3281 от 15 сентября 2017 года «О мерах по рациональному размещению

сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства сельскохозяйственной продукции в 2018 году», ПП- 3459 от 4 января 2018 года «О дополнительных мерах дальнейшего повышения степени технического оснащения сельского хозяйства», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день созданы и внедрены в производство многие виды устройств для образования палов в сельском хозяйстве. В частности, широко используются устройства для образования палов, производимые в предприятиях «AgriExpo», «VIKING» Соединенных штатов Америки, «Alibabacorporation» Китая. Производятся и ведутся исследования по усовершенствованию устройств для образования палов с отвальнoй поверхностью, с катком и диском в предприятиях «EVEREST», «AgriBizcorporation», «Ramakumarindustries», «Indiomart» Индии, «Lahoreagro» и «Kabulshah» Пакистана.

По данной проблеме, т.е. по разработке и усовершенствованию техники и технологий для образования палов научно-исследовательские работы в Российской Федерации ведутся такими учеными, как Л.В. Тарасов, Ф.М. Мустакимов, В.М.Ким, Г.М.Самсонов, М.П.Ким, В.Н.Бердянский, А.И.Воронин, Г.Г.Казаков, А.И.Шабаев, В.Ф.Стрельбицкий, В.А.Папафилов, Н.Т.Семенов, на Украине -В.П.Лисютин.

